

УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ

Туробов Шерзод Алишерович

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси катта ўқитувчиси

Уй хўжалиқларининг даромадлари аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги натижаларини белгилашда муҳим ўрин тутди уларнинг барча функциялари у ёки бу даражада бир-бири билан боғлиқ ва айна пайтда бир-бирини тақозо қилади. Бунда уй хўжалиқларининг функциялари ўзининг йўналишига кўра: уй хўжалиқларининг ички эҳтиёжларига ва ташқи жиҳатларига, ёхуд жамиятга йўналтирилган бўлади¹.

Уй хўжалиқларининг хулқ-атвори 1950 йилдан бошлаб кенг доирада, 1970 йиллардан бошлаб эса кўплаб нашрларда никоҳ ва туғилишнинг қандай кечиши, бандлик ва таълимга оид бир қатор мақолалар чоп этилди. Хусусан, Г.Беккернинг никоҳ бозорини таҳлил қилиш бўйича новаторлик иши, 1974 йилда “Оила иқтисодиёти” номли илмий ишлар тўплами Т.Шульц таҳрири остида нашр этилди. Г.Беккернинг 1981 йилда “Оила ҳақида трактат” номли асарининг биринчиси нашрдан чиқди. Шундан буён уй хўжалиқлари хулқ-атворини таҳлил қилишнинг иқтисодий ёндашувлари бўйича (Сигно, 1991; Коореман, Вундеринк, 1997; Бровнинг, Чиаппори, Вэйсс, 2014) кўплаб асарлар нашр қилинди, аммо, уларнинг барчаси Г.Беккернинг инсоннинг ҳатти-ҳаракати (Беккер, 2003, 28–48 б.) ва унинг оила иқтисодиёти (Беккер, 1991) бўйича фундаментал тадқиқотларига асосланган.

Бирок, иқтисодиётнинг модернизациялашуви жараёнида уй хўжалиқларининг тадбиркорлик фаолиятидаги янги жиҳатларини очиб бериш, ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва иқтисодий фаоллигини оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаблари мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

“Уй хўжалиги” ва “оила” атамалари доимо бирга ишлатилганлиги ёки бирининг ўрнига бири ишлатилганлиги боис амалий ҳаётда уларни бир хил тушунча сифатида қарашди, аммо назарий жиҳатдан уларни чалкаштириб юбориш хато натижа беради. Уй хўжалиги ва оиланинг белгилари аксарият ҳолларда бир-бирига тўғри келса-да, оила уй хўжалигининг асосини ташкил қилади. Уй

¹ Г.И.Бердиев Миллий иқтисодиётда уй хўжалиқлари иқтисодий фаоллигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Г., 2020. –28 б.

хўжалиги ва оила ўртасидаги асосий фарқлар қуйида келтирилади:

- бир киши билан уй хўжалиги ташкил бўлаолади, лекин у оила бўла олмайди;
- уй хўжалиги аъзолари қариндошлик алоқаси бўлмаган инсонлар таркибидан иборат бўлиши мумкин.

Оила эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи бўлиб, оила билан боғлиқ масалаларни ўзаро тенглик ва келишув асосида амалга оширади, ҳамда унда оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тамойиллари устувор аҳамиятга эга.

Шу боисдан ҳам уй хўжалиги атамаси кенгроқ тушунчага эга бўлиб, уни уй ишини юритиш (уй иқтисоди) атамаси билан ҳам адаштирмаслик лозим. Уй хўжалигини юритиш ўз ичига унинг аъзолари жисмоний ва ақлий қобилиятларидан фойдаланиб уй ичида юритиладиган хўжалик фаолиятини, яъни: уйни ва унга туташ ҳудудни тоза ва озода сақлаш, овқат тайёрлаш, оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш, уй ҳайвонларига қарашларни ҳам ўз ичига олади. Оила атамаси ижтимоий категория, уй хўжалиги атамаси эса, иқтисодий категориядир.

Уй хўжаликлари аслида мураккаб категория бўлиб, энг катта хўжалик субъектидир, барча аҳолининг фаровонлиги кўп жиҳатдан уларнинг фаолияти натижаларига боғлиқ. Айниқса ижтимоий такрор ишлаб чиқариш депсинишга юз тутганда, миллий ишлаб чиқаришнинг инқирози аҳолининг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш даражасининг пасайишига олиб келган вақтда, уй хўжаликларининг фаоллиги алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳолатларда уй шароитида аҳоли мослашувининг муҳим йўналиши уй хўжаликлари фаолиятини ҳар томонлама фаоллаштириш ва интенсивлаштириш муҳим ҳисобланади. Аҳолининг ўз-ўзини банд қилиш тадбири туфайли мамлакат олдида доимо мавжуд бўлиб турадиган бандлик, камбағаллик, даромаднинг тенгсизлиги каби кўплаб муаммоларнинг бартараф этилишига эришилади, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча субъектлар ичида рақобатнинг кучайиши натижасида ички ва ташқи омиллар таъсирларига мослашувчанлик юзага келади.

Аграр секторда макроиқтисодий барқарорлик ва аҳоли реал даромадларининг ўсишини таъминламасдан туриб аграр ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мумкин эмас².

Қишлоқ хўжалиги дунёда ҳеч нарса ўрнини боса олмайдиган истеъмол товарларининг асосий ишлаб чиқарувчисидир, дунёда кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг асосини қишлоқ хўжалигида етиштирилладиган маҳсулот ва хизматлар ташкил этади. Шунингдек, аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигида яшаганлиги боис, унда расмий ва норасмий тарзда банд бўлади, бунда даромаднинг кўп ёки камлиги долзарб аҳамият касб этади. Уй хўжаликлари даромадлари ва харажатлари ўртасидаги узвий боғлиқлик, биринчи навбатда, харажатлар таркиби ва ҳажмининг даромадлар таркиби ва ҳажмига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Уй хўжаликлари даромадлари - бу ижтимоий манбалардан олинладиган бепул ёки имтиёзли хизматлар нархини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг барча даромад манбаларидан олинладиган пул маблағлари ва натурал даромадларнинг умумий миқдоридир, улар даромадлар олиниш шаклига кўра нақд ва натурал шаклга бўлинади. Ривожланган бозор муносабатлари мавжуд бўлган ҳар қандай мамлакатда аҳолининг катта қисми иқтисодиётнинг давлат ёки хусусий тадбиркорлик

² Мўминов Шерзод Холмирзаевичнинг “Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон аграр сектор экспорт салоҳиятини ривожлантириш” (мева-сабзавотчилик қуйи мажмуаси маҳсулотлари мисолида) номли номзодлик диссертация иши. Тошкент. 2005 йил. (ЭР: <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/30297>).

соҳаларида банддир, шунинг учун пул даромадлари шак-шубҳасиз натурал даромадга нисбатан устунлик қилади. **Афсуски, статистик тадқиқотлар шунчаки уй хўжаликлари пул даромадларининг умумий миқдорини аниқлашга имкон беради, холос.**

Уй хўжаликлари натурал даромадларининг алоҳида маҳсулотлар ва уларнинг гуруҳлари бўйича танлама кузатувлари Ўзбекистон Республикасида анъанавий равишда маълум маҳсулот турлари бўйича жумладан, масалан, картошка, сабзавот, полиз экинлари, мева ва резаворлар учун ўтказилган, бунда натурал даромаднинг роли юқори бўлиб келган ва бу ҳолат ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Иқтисодийнинг хусусий ва давлат секторида ишловчиларнинг пул даромадлари пастлиги натижасида, иш билан банд бўлганларнинг катта қисми бир вақтнинг ўзида ўз истеъмоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб берадиган ёрдамчи хўжаликларига эҳтиёж сезишади. Бироқ бундай хўжаликларда ишлаб чиқариш жараёнларининг механизация даражаси пастлиги интенсив меҳнатнинг йўқлиги, агротехнологик жараёнлар кам қўлланилаётганлиги натижасида меҳнат харажатлари юқорилиги номутоносибликни вужудга келтирмоқда.

Уй хўжаликларининг пул даромадлари қуйидаги манбалардан иборат:

- тадбиркорлик фаолиятдан даромад;
- меҳнат ҳақи;
- ижтимоий тўловлар;
- мол-мулкдан олинадиган даромадлар;
- бошқа даромадлар.

Пул даромадлари таркибида қуйидаги асосий манбаларни ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- иш ҳақи, турли хил ҳисоб-китоблар ва қўшимча тўловлар билан бирга;
- пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа суғурта ва ижтимоий тўловлар;
- тадбиркорлик фаолиятдан даромадлар;
- шахсий мулк ва молия-кредит секторида пул маблағларини жамғариш билан боғлиқ операциялардан келадиган даромад.

Уй хўжаликларининг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромад ва қабул қилинган даромад бир-биридан кескин фарқ қилади, ижтимоий суғурта бадаллари ва корхона фойдасига солиқлар туфайли олинган даромадларнинг барчаси ҳам уй хўжаликларининг даромадларига келиб қўшилмайди.

Бошқа томондан қараганда уй хўжаликлари томонидан олинган даромадларнинг барчаси ҳам меҳнат фаолияти натижаси ҳисобланмайди, чунки буларга ижтимоий таъминот ва бахтсиз ҳодисалар учун тўловлар, ногиронлик нафақалари ва бошқа ижтимоий ёрдам турларини ўз ичига олган трансфертлар киритилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Узоков, Н., Хушмурадов, О. Х., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ (pp. 376-378).
2. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.

3. Хуррамов, А. Ф. Туробов Шерзод Алишеревич, & Мингбоев Шухрат Мингбой Ўғли (2018). Уй хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми. Экономика и финансы (Узбекистан),(8), 16-20.
4. Хуррамов, А. Ф., Маматов, А. А., Мингбоев, Ш. М. Ў., & Туробов, Ш. А. (2018). Иқтисодий ресурсларнинг доиравий айланиш моделида уй хўжалигининг тутган ўрни. Экономика и финансы (Узбекистан), (9), 2-6.
5. Тухтабаев, Ж. Ш. (2020). Пандемия шароитида деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари фаолиятининг аҳоли турмуш даражасини оширишдаги роли. Молия ва банк иши электрон илмий журнал 2020 йил, № 2 сон. март-апрел. 318-323 б. Молия ва банк иши электрон илмий журнал, (2), 318.
6. Toxirovna, S. G. (2021). Farmers-Food Sustainability Services. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 899-904.
7. Alikulov, A. T., & O'rinov, K. (2022). O'ZBEKISTONDA KAPITAL BOZORI RIVOJLANISHINING ISTIQBOLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(6), 690-695.
8. Alikulov, Azamat Tugunovich, & O'rinov, Komiljon (2022). O'ZBEKISTONDA KAPITAL BOZORI RIVOJLANISHINING ISTIQBOLLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (6), 690-695.
9. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO 'JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIY TAJRIBALARI. Gospodarka i Innowacje., 24, 390-394.
10. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ, 2(7).
11. Усанов, А., & Раҳмонкул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг тутган ўрни. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 55-60.
12. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Economics and education, 24(2), 272-278.
13. Yakubova, S., & Qosimov, J. (2022). MEVA-SABZAVOTCHILIK SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA KOOPERATSIYA TIZIMINI TASHKIL ETISHNING IQTISODIY ASOSI. " Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 5(7).
14. Yakubova, S. S., Egamberdiyeva, S. R., & Boyqobilov, F. S. (2022). TA'LIM MUASSASASI VA ISHLAB CHIQRISH HAMKORLIGI SALOHİYATLI KADR TAYYORLASHNING ASOSIY OMILIDIR. Gospodarka i Innowacje., 24, 211-216.
15. Alisherovich, T. S., & Ugli, N. B. B. (2023). Internal Control in Banks. EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 3(3), 34-39.
16. Alisherovich, T. S. (2023). IMPROVING ACCOUNTING AND ITS MAINTENANCE IN BANKS. Gospodarka i Innowacje., 31, 15-20.
17. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Эффективность производства органических продуктов в сельском хозяйстве. Economics, (2 (45)), 19-22.
18. Hakimovich, B. A., & Khudayberdiyevna, D. M. (2020). Advantages of introducing agrocluster in agriculture. International Journal on Orange Technologies, 2(11), 37-40.
19. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New

- Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
20. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 81-87.
 21. Farmanov, J. Z., Rimboeva, N. X. qizi, & Rimbayeva, G. X. qizi. (2023). QISHLOQ XO'JALIGINI RAQAMLASHTIRISHDA XORIY TAJRIBASIDAN FOYDALANISH. *GOLDEN BRAIN*, 1(1), 231–236. Retrieved from
 22. Farmanov J. UKRAINIAN EXPERIENCE IN DEVELOPING THE BEEKEEPING NETWORK IN OUR COUNTRY //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 09. – С. 66-69.
 23. Khakimovich, B. K. (2022). Using of Economic Analysis Methods in the Audit of Private Capital. *Open Access Repository*, 8(04), 62-66.
 24. Nakimovich, B. K. (2023). IMPROVEMENT OF PRIVATE CAPITAL AUDIT IN ECONOMIC SUBJECTS ACCORDING TO INTERNATIONAL AUDIT STANDARDS. *Gospodarka i Innowacje.*, 35, 34-40.
 25. Бутунов, Ш. Б. (2020). Совершенствование учета финансовых результатов на предприятиях. *Логистика и экономика*". *Научный электронный журнал*, (4).
 26. Бутунов, Ш. Б. (2021). THE IMPACT OF MACROECONOMIC AND BANKING FACTORS ON THE LEVEL OF NON-PERFORMING LOANS: RESULTS FOR THE CIS COUNTRIES. *Economics*, (3 (50)), 33-42.
 27. Музаффарова, К. З., & Эгамбердиева, С. Р. (2022). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ РОЛИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 5(1).
 28. Zoynirovna, M. K., & O'gli, A. N. R. (2022). STRONG DIRECTIONS FOR IMPROVING ECONOMIC CAPITAL IN THE TERRITORY OF KASHKADARYA REGION. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 243-247.
 29. Rayimovna, E. S., & Normamatovich, X. O. (2021). Kapital Qo „Yilmalar Hisobini Takomillashtirish. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 290-296.
 30. Kholmurodov, O. (2022). CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS AND THEIR THEORETICAL FOUNDATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(7), 432-436.
 31. Ravshanov, A. (2022). Objective Accounting Issues in the Enterprise. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 83-87.
 32. Равшанов, А. Б. (2022). БИОЛОГИК АКТИВ ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ТЎҒРИ ТАШИФЛАШ МАСАЛАРИ. ТА'ЛИМ ВА RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(7), 31-36.
 33. EGAMBERDIYEVNA, A. N., MURTAZAYEVNA, N. Y., & SABIROVICH, E. A. MODERN PRACTICE OF REGULATING PROCESSES OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS AND APPROACHES TO ITS IMPROVEMENT.
 34. Azimova, H. E. (2022). INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 178-182.

35. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
36. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 9-14.
37. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
38. Жумаева, Г. Ж. (2023). НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ. *SCHOLAR*, 1(8), 37-42.
39. Jumayeva, G. J. R., & qizi Sultonova, M. O. (2022, December). FERMER XO 'JALIKLARINING MOLIYAVIY NATIJALARGA TA'SIR QILUVCHI OMILLARNI HISOBLASH YO 'LLARI. In *INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 18, pp. 127-130)*.
40. Bahodirovich, Aminov F. "The Role of Investments in the Innovative Development of the Economy." *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, vol. 4, no. 3, 2022, pp. 112-117.
41. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.